



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 30 » noyabr

№ 805

Toshkent sh.

### Йўл ҳаракати қоидаларига пиёдалар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Республикамизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг, жумладан, пиёдалар ва болалар иштирокидаги баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича тизимли чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, йўл инфратузилмасида етарли шароитлар яратилмаганлиги натижасида йўл қатнов қисмида пиёдаларнинг ҳаракатланиши йўл ҳаракати хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Пиёдалар учун кулай шарт-шароитлар яратиш, улар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, пиёдалар ҳаракатининг устуворлигини ҳамда йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сон қарори билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларига иловага мувофиқ “Баланд пиёдалар ўтиш жойлари” йўл белгисини ҳамда йўл ётиқ чизиқларини жорий қилишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Бегилансинки, “Баланд пиёдалар ўтиш жойлари” йўл белгиси ҳамда йўл ётиқ чизиқлари шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларида, давлат ва маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўлларининг ёритилган ҳамда юқори тезлик соатига 30 километргача чеклов жорий қилинган участкаларида, турар жой даҳаларидаги кўриниш чекланган чорраҳаларда, болалар майдончалари ҳамда таълим ташкилотлари олдидаги йўл участкаларида, оммавий дам олиш жойлари, стадионлар, вокзаллар, савдо марказлари ва бошқа одам қўп тўланадиган жойларда, кўчаларнинг 1.21. “Болалар” йўл белгиси таъсиридаги қисмларига ўрнатилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспорт вазирлиги ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда **икки ой муддатда** таҳлиллар асосида 2025–2026 йилларда “Баланд пиёдалар ўтиш жойлари” йўл белгиси ҳамда йўл ётиқ чизиқларини ўрнатиш зарур бўлган жойлар рўйхатини тасдиқласин.

4. Бегилансинки, “Баланд пиёдалар ўтиш жойлари” йўл белгиси ҳамда йўл ётиқ чизиқлари шаҳарлар, вилоятлар, туманлар марказларидағи кўчаларда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департamenti Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” республика жамғармаси ҳамда давлат ва маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари, шунингдек, бошқа аҳоли пунктларидағи кўчаларда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ўрнатилади.

5. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Транспорт вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** O‘z DSt 3403:2022 “Сунъий нотекисликлар. Умумий техник талаблар”, O‘z DSt 3283:2022 “Йўл белгилари умумий техник талаблар” Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартларига ушбу қарорга мувофиқ жорий этилаётган “Баланд пиёдалар ўтиш жойлари” йўл белгиси ҳамда йўл ётиқ чизиқлари ўрнатиладиган жойларнинг техник кўрсаткичларини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобоҷонов ва транспорт вазири И.Р. Маҳкамовлар зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил “30” ноябрдаги 805-сон қарорига  
илова

**Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сон қарори билан  
тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларига киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

**1.** 183-банд қуидаги мазмундаги ўн бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:  
“Баланд пиёдалар ўтиш жойларини ташкил этиш.”

**2.** 1-иловада:

а) Огоҳлантирувчи белгиларда 1.20-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“1.20. “Пиёдалар ўтиш жойи”. 5.16.1, 5.16.2, 5.48 белгилари ва (ёки) 1.14.1 – 1.14.4, 1.29.1 – 1.29.3 йўл чизиқлари билан белгиланган пиёдалар ўтиш жойини билдиради.”;

б) Ахборот-кўрсатгич белгиларда:

5.18-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“5.18. “Тавсия этилган тезлик”. Йўлнинг шу қисмида тавсия этилган ҳаракатланиш тезлигини билдиради. Белгига энг яқин чорраҳагача амал қилинади. 5.18 белгиси огоҳлантирувчи белги билан бирга кўлланса, унинг таъсир оралиғи хавфли қисмнинг узунлиги билан аниқланади. 5.48 йўл белгиси ўрнатилган кўча ва йўлларда ўрнатилиши лозимлигини билдиради”;

куидаги мазмундаги 5.48-банд билан тўлдирилсин:

“5.48. “Баланд пиёдалар ўтиш жойи”. 5.16.1-5.16.2 йўл белгилари билан бирга кўлланилади”;

в) Йўл белгиларининг тасвирлари туширилган қисмида:

“Ахборот-ишора белгилари” сўzlари “Ахборот-кўрсатгич белгилари” сўzlари билан алмаштирилсин;

куидаги тасвирдаги йўл белгиси билан тўлдирилсин:




**5.48. “Баланд пиёдалар  
ўтиш жойи.”**


**3. 2-иловада:**

Ётиқ чизиқлар қуидаги мазмундаги 1.29.1, 1.29.2 ва 1.29.3-бандлар билан түлдирилсін:


“



**1.29.1 – сунъий нотекислик (баланд пиёдалар ўтиш жойини билдиради);**



**1.29.2 – сунъий нотекислик (автомобиль йўлларида “3D” кўринишдаги баланд пиёдалар ўтиш жойини билдиради);**



**1.29.3 – автомобиль йўлларида “3D” кўринишдаги пиёдалар ўтиш жойи”.**

